

А Ж Р И М

2024 йил 24 май кунида жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: А.Абдураззаков,

Судья ёрдамчиси Д.Тўхтаевнинг котиблигида,

томонлардан Жомбой туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Амонов, ҳмоячи З.Азимовнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан судланган маҳкум Самадов Меҳрожиддин Тухтамурад ўғлига нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисмини бошқа оғирроқ жазоси билан алмаштириш ҳақидаги Жомбой туман Ички ишлар бўлими бошлиғининг 1-1406-2301/50-сонли тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни;-

АНИҚЛАДИ:

Маҳкум Самадов Меҳрожиддин Тухтамурад ўғли, 1993 йил 14 майда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, соғлом, муқаддам

1) 2022 йил 22 август куни жиноят ишлари бўйича Жомбой туман суди томонидан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 25,28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

2) 2023 йил 27 март куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан 3 йил 6 ой 19 кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, оилали, бир нафар фарзанди бор, маълумоти тугалланмаган олий, меҳнатга лаёқатли, ишсиз, Ургут туман, “Ипак йўли” маҳалласи, Қизилбоши қишлоғида рўйхатда туриб, Жомбой туман, Деҳқонобод маҳалласи, Бирлик кўчаси 31-уйда вақтинчалик рўйхатдан ўтиб яшаган.

Судга, Жомбой туман ИИБ томондан тақдимнома киритилиб унда, маҳкум Самадов Меҳрожиддин Тухтамурад ўғли, суд томонидан юклатилган мажбуриятни қасддан ўтамасдан бўйин товлаб келаётганлиги сабабли унинг ўталмай қолган 2 йил 10 ой 7 кун озодликни чеклаш жазосини ЖК 48-1-моддасига асосан жазони бошқа оғирроқ турига алмаштиришни сўраган.

Суд, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, маҳкум Самадов Меҳрожиддин Тухтамурад ўғлининг яшаш манзилида рўйхатда турса-да, рўйхатда турган жойда яшамасдан, Жомбой туман, Деҳқонобод маҳалласи, Бирлик кўчаси 31-уйда вақтинчалик рўйхатдан ўтиб яшаб келганлиги, 2024 йил 11 январь куни Жомбой туман ИИБ ЖХХ пробацция бўлинмаси томонидан ижрога олинганлиги, 2024 йил 12 февраль куни тунги соат 22:30ларда, Жомбой туман ИИБ ЖХХ пробацция бўлинмаси томонидан, назорат остидаги шахс М.Самадовнинг яшаш ҳонадони текширилганда, суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажармасдан уйда йўқлиги аниқланганлиги, турмуш ўртоғи М.Шоназарова турмуш ўртоғи М.Самадовни эрталабки соат 10:00ларда



ишга кетаябман деб чиқиб кетганлигини, ушбу вақтга қадар яшаш ҳонадонига келмаганлигини маълум қилган, 2024 йил 13-14 февраль кунлари яшаш ҳонадони текширилганда уйда йўқлиги аниқланган, турмуш ўртоғи М.Шоназарова 2024 йил 12 февраль кунидан буён яшаш ҳонадонига келмаганлигини айтганлиги, маҳкум М.Самадов жазони ўташдан бўйин товлаб юрганлиги сабабли ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 542-моддаси 3-бандида «озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахс озодликни чеклаш жазосини бошқа жазо тури билан алмаштириш ҳақидаги масала кўриб чиқилиши учун судда узрсиз сабабларга кўра ҳозир бўлмаган тақдирда, жазони ижро қилувчи органнинг тақдимномаси маҳкум йўқлигида кўриб чиқилиши мумкин. Бундай ҳолларда озодликни чеклаш жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган тақдирда, суд маҳкумга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қидирув эълон қилиш масаласини ҳал қилиши керак»-деб кўрсатилган қонун талабларига асосан тақдимномани маҳкумни иштирокисиз кўриб чиқишликни лозим деб топди.

Суд мажлиси муҳокамасида сўроқ қилинган Жомбой туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори С.Сафаров ўз кўргазмасида, маҳкум Самадов Меҳрожиддин Тухтамурод ўғлига, 2023 йил 27 март куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан, 3 йил 6 ой 19 кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланганлиги, М.Самадовга яшаш уйдан кечқурун соат 22:00дан эрталаб соат 06:00га қадар чиқмаслик, маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилоят ҳудуддан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча чекловлар ўрнатилганлиги, ушбу жазо Жомбой туман Пробация гуруҳи томонидан 2024 йил 11 январь куни Жомбой туман ИИБ ЖХХ пробация бўлинмаси томонидан ижрога олинганлиги, 2024 йил 12 февраль куни тунги соат 22:30ларда, Жомбой туман ИИБ ЖХХ пробация бўлинмаси томонидан, назорат остидаги шахс М.Самадовнинг яшаш ҳонадони текширилганда, суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажармасдан уйда йўқлиги аниқланганлиги, турмуш ўртоғи М.Шоназарова, М.Самадовни эрталабки соат 10:00ларда ишга кетаябман деб чиқиб кетганлигини, ушбу вақтга қадар яшаш ҳонадонига келмаганлигини маълум қилганлиги, 2024 йил 13-14 февраль кунлари яшаш ҳонадони текширилганда уйда йўқлиги аниқланганлиги, турмуш ўртоғи М.Шоназарова М.Самадовни 2024 йил 12 февраль кунидан буён яшаш ҳонадонига келмаганлигини, қаердалиги ноьмалум эканлигини маълум қилганлиги, ҳозирда М.Самадов тайинланган жазонинг 8 ой 12 куни ўталганлиги, уни топишнинг имкони бўлмаганлигини, ўталмай қолган жазо муддати 2 йил 10 ой 7 кунни ташкил қилишлиги, унинг ушбу ўталмай қолган 2 йил 10 ой 7 кун озодликни чеклаш жазосини ЖК 48-1-моддасига асосан бошқа оғирроқ жазосига алмаштириб, унга нисбатан қидирув элон қилиб, Жомбой туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантиришни сўраб баён этди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 48-1-моддасида, «Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин.» деб кўрсатилган.



Суд, тақдимнома билан танишиб чиқиб, йиғма жилдда тўпланган хужжатларни тафтиш қилиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, ишда қатнашган Жомбой туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Амонов, ҳимоячи З.Азимовларнинг фикрини ва Жомбой туман ИИБ Пробаця гуруҳи инспектори С.Сафаровнинг кўрсатувларини тинглаб, маҳкум М.Самадов озодликни чеклаш жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаб келганлиги боис, Жомбой туман ИИБ бошлиғи томонидан киритилган тақдимномани қаноатлантиришни, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2023 йил 27 мартдаги ҳукми билан тайинланган 3 йил 6 ой 19 кун озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган 2 йил 10 ой 7 кун озодликни чеклаш жазосини ЖК 48-1-моддасига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштиришни, ЖК 50-моддаси 7-қисмининг «б» банди талабидан келиб чиқиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни, унга нисбатан қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаб қидирув эълон қилишни, ажримни ижросини Жомбой туман ИИБга юклатишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 423, 542-моддаларига асосан суд, ажрим қилди,

А Ж Р И М :

Жомбой туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Самадов Меҳрожиддин Тухтамурод ўғлига нисбатан жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2023 йил 27 мартдаги ҳукми билан тайинланган озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган 2 (икки) йил 10 (ўн) ой 7 (етти) кунини шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилсин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин.

Маҳкум Самадов Меҳрожиддин Тухтамурод ўғлига нисбатан қидирув эълон қилинсин, қидириб топилгач унга нисбатан «қамоқ» эҳтиёт чораси қўлланилиб қамоққа олинсин ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД 3-минтақавий ҳудуд 7-сон тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

Жазо муддати маҳкум Самадов Меҳрожиддин Тухтамурод ўғли ушланиб қамоққа олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ажрим ижросини таъминлаш Жомбой туман ИИБ зиммасига, назорат қилиш Жомбой туман прокурори зиммасига юклатилсин.

Ажримдан норози томонлар ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий тартибда апелляция шикояти ёки протести келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

А.Абдуразаков



Ҳужжат имзоланган: Абдураззаков Абдусаттор Азаматович, 28.05.2024



Ҳужжат имзоланган: Абдураззаков Абдусаттор Азаматович, 28.05.2024

